

## ТАРЖИМА ТРАНСФОРМАЦИОН МОДЕЛЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

*Қосимова Нафиса*

*БухДУ, доцент, ф.ф.ф.д.*

Таржиманинг лингвистик назарияси ривожланишининг илк босқичида олимлар таржимани нафақат натижа сифатида, яъни бир-бири билан киришиши мумкин бўлган эквивалент муносабатлар турларини тавсифлаш учун матнларнинг ўзи ва уларнинг алоҳида бирликлари қиёсини амалга оширган, балки манба матнни\* яхлит тарзда таржима матни\* билан таққослашган, таржимани жараён сифатида талқин қилишган, аслиятдан таржима матнига олиб келадиган ақлий операцияларнинг тавсифловчи моделларни таклиф қилишган.

Жараён сифатида таржима нафақат таржима модели тушунчасининг ўзи билан, балки таржиманинг лингвистик назарияси томонидан "аслият бирликларидан таржима бирликларига ўтишни амалга ошириш мумкин бўлган ўзгаришлар" сифатида қабул қилинган таржима трансформацияси тушунчаси билан ҳам боғлиқдир<sup>1</sup>. Таржима трансформацияси тушунчаси 1950-йилларда ривожлана бошлаган ва кейинги ўн йилликда давом эттирилган машина таржимаси соҳасидаги тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш, яъни машина ММни ТМнига транскодлашни амалга ошириши бўйича ижтимоий эҳтиёжни қондриш орқали тилшунослар универсал мантиқий ва семантик процедураларга мувофиқ иккита матннинг контекстуал эквивалентлигига синонимлардан фойдаланиш, антонимлар, қисм-бутун муносабатлари, сабабий муносабатлар ва бошқаларни бажариш орқали эришишга имкон берадиган ақлий

---

\* кейинги ўринларда – манба матн

\* кейинги ўринларда – таржима матни

<sup>1</sup> Комиссаров В.И Теория перевода. М.: Высшая школа, 1990.

операцияларни тавсифлаш, умумлаштириш ва таснифлаш билан шуғулланишди. Кейинчалик, "назарий моделлар ва ҳатто терминология дастлаб машина таржимаси учун ишлаб чиқилган бўлиб, инсон фаолиятига мос равишда ишлатила бошлади"<sup>2</sup>.

"Трансформация" тушунчаси 1958 йилданок Ж.П. Виней ва Ж.Дарбельне асарларида учрай бошлади<sup>3</sup>. Муаллифларнинг фикрига кўра, таржимада шаклни ўзгартириш (таржима трансформациялари) эҳтиёжи тиллар ўртасидаги фарқлардан келиб чиққан ва улар тўғридан-тўғри сўзма-сўз таржима қилиш имконсиз бўлганда зарур бўлган. Ж.П.Виней ва Ж.Дарбельне транспозиция (сўз туркумларининг алмашилиши) ва модуляция (семантик ривожлантирилиш) каби трансформацияларни ажратиб кўрсатишди. Трансформация тушунчаси Ю.Найда илмий асарларида янада ривожлантирилган. Унинг фикрича, хабар мазмунини сақлаб қолиш ва қабул қилувчининг шунга ўхшаш реакциясига эришиш учун шаклни ўзгартириш зарур бўлганда, трансформациялар зарур ҳисобланади.

Ю.Найда моделида таржима жараёни уч босқичда юз беради: 1) декодлаш ёки таҳлил қилиш, бу босқичда ММнинг мураккаб сирт тузилмалари таҳлил қилинади ва ядро тузилмаларига таржима қилинади; 2) таржимон тафаккурида содир бўлган кўчиш (трансфер) ни, яъни ядро тузилмаларини манба тилдан таржима тилига ўтказиш; 3) кодлаш, ядро тузилмаларида тузилмалар, яъни узатилган мазмун ТМининг сирт тузилмаларига ўзгаради. Охириги босқичда, Ю.Найда таъкидлаганидек, ТМининг тушунарлилигини таъминлаш муҳимдир, бу нафақат сўзларнинг тушунарлилиги ва грамматик конструкцияларнинг табиийлилигини, балки ўқувчи/тингловчига умумий таъсир(impact)ни ҳам ўз ичига олади. Олимнинг фикрича, турли грамматик ва лексик трансформациялар орқали ядро тузилмалари таржима тилининг ҳар қандай эҳтимолли сиртли тузилмаларига айлантеририлиши мумкин. Ушбу трансформациялар орасида алмаштиришлар

---

<sup>2</sup> Львовская З.Д. Современные проблемы перевода. М.: ЛКИ, 2008.

<sup>3</sup> Vinay J.P. & Darbelnet J. Stylistique Comparée du Français et de l'Anglais: Méthode de Traduction. Paris: Didier, 1958.

(replacements), қисқартиришлар (deletions) ва қўшимчалар (additions) алоҳида ажралиб туради <sup>4</sup>.

Ж.Катфорд Ю.Найдадан фарқли ўлароқ, таржима қилинганда бир матннинг маъноси бошқасига ўтказилиши мумкинмас деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, биз бир тилдаги маъноларни бошқа тилдаги маънолар билан алмаштириш ҳақида гапиришимиз мумкин. Ж. Катфорд томонидан таклиф қилинган таржима модели кейинчалик семантик таржима модели деб номланди<sup>5</sup>. Ушбу модель асосида тилшуносликда маълум бўлган компонент (таркибий) таҳлил методи ётади, бунда лингвистик бирлик маъносида бир неча хил семалар ажратилади. Ж. Катфорд бўйича таржима жараёни икки босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда таржимон маълум бир ММ бирлигининг семали таркибини аниқлайди ва ушбу семаларнинг қайси бири ушбу контекст учун релевант эканлигини ҳал қилади. Иккинчи босқичда маъноси имкон қадар кўпроқ релевант семаларни ўз ичига олиши керак бўлган таржима тилининг бирликлари танланади. Матнларнинг яқинлик даражаси ҳамда иккита матн алоҳида бирликларининг эквивалентлиги семалар мослигининг даражаси билан белгиланади<sup>6</sup>. Тил тизимининг автономлиги принципига асосланган шаклда асосчилар томонидан ишлаб чиқилган таржима назарияси, энг аввало, иккита турли тилли матнлар ва иккита тил тизимининг ўзаро таъсирини автоном режимда тасвирлайдиган лингвистик таржима назарияси сифатида тан олинди. Бунда таржима матни мустақил ҳисобланмайди, у манба матнга мос келиши ёки ўхшаш бўлиши керак ва манба матндан таржима матнига ўтиш турли хил таржима трансформациялари орқали амалга оширилади. Таржима жараёни, муаллиф қандай моделни таклиф қилишидан қатъи назар, моҳиятан тиллар ўртасида фаолият юритадиган муайян объектив қонунларга бўйсунган

---

<sup>4</sup> Nida E.A., Taber C.R. The Theory and Practice of Translation. Leiden: E.J.Brill, 1974. Vol.6. – New York, 1963. - P..244-316.

<sup>5</sup> Комиссаров В.П. Современное переводоведение. Москва: ЭТС, 1999.; Виноградов В. С. Перевод. Общие и лексические вопросы. М.: КДУ, 2004.

<sup>6</sup> Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. London: Oxford University Press, 1965.

холда, тиллараро трансформациянинг бир тури сифатида тақдим этилади.

Дарҳақиқат, юқорида санаб ўтилган тилшунослар замонавий таржима лингвистик назариясига асос солдилар ва унинг негизида бутун дунёда унинг ривожланишини бошлаб берган назарий салоҳиятни яратдилар, деб айтишимиз мумкин. Ушбу тадқиқотчилар томонидан бевосита ёки билвосита белгилаб қўйилган асосий принциплар ва қоидалар таржиманинг лингвистик назариясининг ривожланиш йўналишини ҳам, у дуч келган ва шу кунгача давом этаётган муаммо ва қийинчиликларни ҳам белгилаб берди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Виноградов В. С. Перевод. Общие и лексические вопросы. М.: КДУ, 2004.
2. Комиссаров В.И. Современное переводоведение. Москва: ЭТС, 1999.
3. Комиссаров В.И Теория перевода. М.: Высшая школа, 1990.
4. Львовская З.Д. Современные проблемы перевода. М.: ЛКИ, 2008.
5. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. London: Oxford University Press, 1965.
6. Nida E.A., Taber C.R. The Theory and Practice of Translation. Leiden: E.J.Brill, 1974. Vol.6. – New York, 1963. - P..244-316.
7. Vinay J.P. & Darbelnet J. Stylistique Comparée du Français et de l'Anglais: Méthode de Traduction. Paris: Didier, 1958.